

# **“Ёш қутқарувчи” мусобақасини ташкил этиш ўтказиш тартиби түғрисидаги**

## **НИЗОМ**

### **1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом умумтағым ҳамда касб-хунар таълими муассасалари (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) ўқувчилари ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақасини (кейинги ўринларда – мусобақа) ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мусобақа ёшларни фавқулодда вазиятларда түғри ҳаракатланиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва бошқаларга кўмак бериш борасидаги билим ҳамда қўнималарини ошириш мақсадида ўтказилади.

### **2. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

3. Мусобақа Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида жойлашган умумтағым ҳамда касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкил этилади.

4. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ташкилий қўмита (1-илова) зиммасига юклатилади.

5. Ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мусобақалар умумтағым ҳамда касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида алоҳида-алоҳида ўтказилади.

6. Мусобақада иштирок этувчи жамоалар тегишли таълим муассасасининг “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари (кейинги ўринларда – клуб) аъзолари орасидан 8 нафардан иборат таркибда шакллантирилади.

7. Жамоалар фақатгина мусобақада қатнашаётган таълим муассасасининг 8 нафар (5 нафар ўғил бола, 3 нафар қиз бола) ўқувчисидан иборат таркибда тузилади.

Мусобақа шартларини бажариш вақтида жамоалар 6 нафардан (4 нафар ўғил бола, 2 нафар қиз бола) иборат тартибда иштирок этади.

8. Мусобақада “Хаёт хавфсизлиги асослари” ва “Фуқаро мухофазаси” фанлари, шунингдек, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича билим ва қўнималарга эга бўлган клуб аъзолари иштирок этади.

9. Мусобақада иштирок этадиган жамоаларда қуйидаги анжомлар ва кийимлар бўлиши шарт:

- қутқарув анжомлари;
- қутқарувчи ҳимоя каскаси;
- ҳимоя қўлқоплари;
- карабин муфтали жумрак, блок ролик (битталик);
- бир турдаги мавсумий маҳсус кийим-бош ҳамда спорт кийими.

10. Мусобақа уч босқичда, яъни туман (шаҳар), ҳудудий (Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) ҳамда якуний (республика) босқичиларда ўтказилади.

11. Ҳарбий-ватанпарварлик спартакиадаси доирасида мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

**туман (шаҳар) босқичини** ташкил этиш ва ўтказиш февраль-март ойларида амалга оширилиб, ўтказилиш вақти ва жойи 10 кун олдин туман (шаҳар) ташкилий қўмитаси томонидан белгиланиб, ҳудуддаги таълим муассасаларига маълум қилинади. Ташкилий қўмита таркибига ҳудуддаги таълим муассасаларининг “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клуби раҳбарлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги хузуридаги Ёшлар ишлари

агентлиги туман (шаҳар) бўлимлари масъул ходимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари ҳамда бошқа масъул ташкилотлар вакиллари киритилади;

**ҳудудий босқичини** ташкил этиш ва ўтказиш ҳар йили апрель ойида режалаштирилиб, ўтказилиш вақти ва жойи 15 кун олдин Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликларининг ҳудудий бошқармалари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари ҳамда бошқа масъул ташкилотлар вакилларидан иборат ташкилий қўмита томонидан белгиланади;

**мусобақанинг якуний босқичи** ҳар йили май ойининг якуни ёки июнь ойининг биринчи ўн кунлигига ташкил этилиб, ўтказилиш вақти ва жойи республика ташкилий қўмитаси томонидан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ҳар йили январь ойида эълон қилинади.

12. Ташкилий қўмита мусобақаларни ўтказиш бўйича барча ташкилий масалаларни ҳал этади, ўтказилиш вақти ва жойини белгилайди. Ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ва тасдиқлади.

13. Мусобақада қатнашувчи жамоа вакиллари ташкилий қўмитага қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

ҳар бир иштироқчининг соғломлигини билдирувчи мусобақада иштирок этиш бўйича талабнома (ҳар бир иштироқчининг соғломлигини билдирувчи туман-шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг муҳри билан);

фуқаролик паспорти, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки бошқа шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси;

таълим муассасасининг ўқувчиси эканлигини тасдиқловчи маълумотнома ёки ўқувчилик гувоҳномаси;

соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома (ўзи яшаб турган ҳудуддаги оилавий поликлиникада тиббий қўриқдан ўтганлигини тасдиқловчи);

3x4 ҳажмдаги фотосурат – 4 дона;

мусобақада фойдаланиладиган анжомларнинг синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

14. Мусобақада иштирок этадиган жамоаларга қўйиладиган талаблар:

#### **Жамоанинг номи ва шиори.**

Жамоа аъзолари сафда турган ҳолда ўз жамоалари номини айтиб таниширадилар ва шиорларини айтадилар. Бунда жамоа шиорининг мазмун-моҳияти ҳамда уни ижро этиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади. Жамоанинг шиорида инсонларнинг ҳаётини асраб қолиш ва кутқарувчиларнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ сўзлар акс этган бўлиши лозим.

#### **Жамоа фотоальбоми.**

Жамоалар ўzlари билан мусобақанинг туман ва ҳудудий босқичларидағи иштирокини ҳамда “Ёш кутқарувчи” клубининг фаолиятини акс эттирувчи фотоальбомини олиб келиши керак.

#### **Жамоа вимпели.**

Жамоалар ўzlари билан “Ёш кутқарувчи” клубининг 40x30 см ҳажмдаги вимпелини олиб келиши керак.

#### **Жамоанинг маҳсус устки кийими.**

Жамоанинг устки кийими (шу жумладан, бош кийими) маҳсус тикирилган, барча гурӯҳ аъзолари учун бир турда бўлиши талаб этилади.

#### **Кўргазма.**

Күргазмада “Ёш қутқарувчи” күнгиллилар клубининг меъёрий ҳужжатлари, клуб аъзолари томонидан эришилган ютуқларни ўзида акс эттирган (“Ёш қутқарувчи” күнгиллилар клуби фаолияти бўйича диплом, фахрий ёрлиқ, кубок ва шу кабилар) кўргазмали воситаларни олиб келишлари талаб этилади.

### **Жамоа байроғи.**

Жамоалар мусобақанинг ҳудудий ва республика босқичига “Ёш қутқарувчи” күнгиллилар клуби байроқларини (ўлчами 90x120 см, дастаси 210x5см) олиб келишлари шарт.

15. Халқаро мусобақаларга Республика босқичида ғолиб чиқкан жамолар ғолиблари орасидан сараланади ёки ғолиб чиқкан жамоа тўлиқ таркибда юборилади.

## **3. Мусобақа шартлари ва баҳолаш мезонлари**

16. Мусобақа бешта шарт асосида ўтказилади:

**Биринчи – “Савол-жавоб” шартида** жамоа сардори ташкилий қўмита томонидан жамоалар сонига мос равишда тайёрланган маҳсус конвертлар ичидан биттасини танлайди. Конвертларда олтита саволдан иборат билет бўлади. Жамоанинг ҳар бир иштирокчиси биттадан саволга жавоб бериши лозим. Бу шартда қўшимча жавоблар берилишига йўл қўйилмайди ҳамда ҳар бир жамоадан факат олти нафар иштирокчи қатнашади. Тайёргарлик кўриш учун 5 дақиқа ҳамда жавоб бериш учун 10 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир саволга тўлиқ жавоб берилса 2-балл, тўлиқсиз жавобга 1-балл ҳамда жавоб нотўғри бўлса иштирокчи 0-балл билан баҳоланади. Мазкур шартда барча саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб берилса жамоа 12 балл билан баҳоланади.

**Иккинчи – “Биринчи ёрдам кўрсатиш” шартида** жамоалар биринчи ёрдам кўрсатиш (оёқ, қўл ётиқ (очиқ) сингандা, жароҳат оқибатида қон кетганда ва юрак-ўпка реанимациясида биринчи ёрдам кўрсатиш) турлари бўйича беллашадилар. Бу шартда вазиятли топшириқларни бажариш учун “шартли жабрланган” сифатида жамоанинг бир нафар иштирокчиси ва тренажёр-манекен жалб этилади. Шарт маҳсус ленталар билан чегараланган ҳудудда старт ва финиш чизиқлари билан белгиланган жойда ўтказилади. Вазиятли топшириқларни бажариш учун столда керакли бўлган биринчи ёрдам кўрсатиш анжомлари жойлаштирилган бўлади. Ҳакамлар иштирокчиларнинг ҳаракатларини “жарималар жадвалига” мувофиқ баҳолайдилар. Шарт бажарилиши давомида ҳакамлар йўл қўйилган хатолар учун ҳакамлар варагига жарима балларини белгилайдилар. Вазиятли топшириқларни бажариш вақти секундомер билан белгиланади ва ҳакамлар варагига ёзилади. Барча жарималар вақт билан белгиланади ва шарт якунланганидан сўнг, шартга сарфланган вақтга жарималар вақти қўшилади. Шарт якунида умумий вақти энг кам бўлган жамоа шарт ғолиби деб ҳисобланади.

**Учинчи – “Дор йўли ва чодир” шартида** ҳар хил кўринишда ва баландликда ўрнатилган дор йўллари орқалий жамоалар арқонлар ёрдамида ўтиш ҳамда палатка ёйиш бўйича беллашадилар.

Бу шартда маҳсус ленталар билан чегараланган ҳудудда старт ва финиш чизиқлари билан белгиланган жойда ўтказилади. Ҳакамлар иштирокчиларнинг ҳаракатларини “жарималар жадвалига” мувофиқ баҳолайдилар. Шарт бажарилиши давомида ҳакамлар йўл қўйилган хатолар учун ҳакамлар варагига жарима балларини белгилайдилар. Шартни бажариш вақти секундомер билан белгиланади ва ҳакамлар варагига ёзилади. Барча жарималар вақт билан белгиланади ва шарт якунланганидан сўнг, шартга сарфланган вақтга жарималар вақти қўшилади. Шарт якунида умумий вақти энг кам бўлган жамоа шарт ғолиби деб ҳисобланади.

**Түртінчи – “Юқори қаватларда ишлаш” шартида** жамоалар фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш жараёнида керак бўладиган машқларни (арқон боғлаш усуллари, ишғол қилиш нарвонида ўкув минорасига кўтарилиш, қуткарув анжомларидан мақсадли фойдаланиш) баландликка кўтарилиш, арқон бўйлаб жумар ёрдамида юқорига кўтарилиш ва қайтиб тушиш) бажарадилар. Ушбу шартда жамоанинг барча иштирокчилари қатнашади. Бу шартда чегараланган ҳудудда старт ва финиш чизиқлари билан белгиланган жойда ўтказилади. Ҳакамлар иштирокчиларнинг ҳаракатларини “жарималар жадвалига” мувофиқ баҳолайдилар. Шарт бажарилиши давомида ҳакамлар йўл қўйилган хатолар учун ҳакамлар варагига жарима балларини белгилайдилар. Шартни бажариш вақти секундомер билан белгиланади ва ҳакамлар варагига ёзилади. Барча жарималар вақт билан белгиланади ва шарт якунланганидан сўнг, шартга сарфланган вақтга жарималар вақти қўшилади. Шарт якунида умумий вақти энг кам бўлган жамоа шарт ғолиби деб хисобланади.

**Бешинчи – “Эстафета” шартида** махсус ёнғин ўчирувчилар ва қуткарувчилар эстафетаси (4x100) бўйича ўтказилади. Ушбу шартда ҳар бир жамоадан уч нафар ўғил бола ва бир нафар қиз бола иштирокчилар қатнашади. Мазкур шарт “Ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақаларни ўтказиш” қоидалари асосида ўтказилади ва баҳоланади, шунингдек, ушбу шарт ўтказилганда (ёниш учун мўлжалланган қоришма миқдори меъёрдан камроқ қўлланилади, аланга баландлиги 20-30 см.дан ошмаслиги лозим).

Эстафета шартида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир иштирокчи махсус кийим бош ва анжомлар билан иштирок этиши шарт. Махсус кийим бош ва анжомлар билан таъминланмаган жамоа мазкур шартга қўйилмайди.

Ҳакамлар иштирокчиларнинг ҳаракатларини “жарималар жадвалига” мувофиқ баҳолайдилар. Шарт бажарилиши давомида ҳакамлар йўл қўйилган хатолар учун ҳакамлар варагига жарима балларини белгилайдилар. Шартни бажариш вақти секундомер билан белгиланади ва ҳакамлар варагига ёзилади. Барча жарималар вақт билан белгиланади ва шарт якунланганидан сўнг, шартга сарфланган вақтга жарималар вақти қўшилади. Шарт якунида умумий вақти энг кам бўлган жамоа шарт ғолиби деб хисобланади.

17. Жамоалар томонидан бажарилган шартлар қуидаги тартибда жарима баллари берилади:

T/p	Жарималар	Жарима вақти сония
<b>Биринчи ёрдам кўрсатиш шарти бўйича:</b>		
1.	Кон тўхтатиш боғламини (жгутни) нотўғри қўйиш	20
2.	Оёқ синганда иммобиллизация шинасини нотўғри қўйиш	50
3.	Қўл синганда иммобиллизация шинасини нотўғри қўйиш	40
4.	Юрак-ўпка реанимациясини нотўғри бажариш	60
5.	Биринчи ёрдам кўрсатиш кетма-кетлигига риоя қилмаслик	10
6.	Жабрланганни ташиш (эвакуация қилиш) қоидаларини нотўғри бажариш	20
7.	Жабрланганга нисбатан қўйол (ғайрийинсоний) муносабатда бўлиш (ҳар бир ҳаракати учун)	10
8.	Жабрланганга биринчи ёрдам кўрсатмаслик	120

T/p	Жарималар	Жарима вақти сония
<b>Дор йўли ва чодир шарти бўйича:</b>		
1.	Ҳар бир муфталанмаган карабин учун	10
2.	Белгилаган чегара чизигидан ўтиб кетгани ёки чизиқни босган ҳар бир ҳолат учун	5
3.	Қутқарувчи анжомини тушириб юборса	20
4.	Чодир йигишда ҳар бир бажарилмаган элемент учун	10
5.	Биринчи иштирокчи дор йўлидан тушмасдан иккинчи иштирокчи дор йўлига чиқса	10
6.	Иштирокчининг хавфсизлик арқонида осилиб қолиши (срыв)	20
<b>Юқори қаватларда ишлаш шарти бўйича:</b>		
1.	Ҳар бир муфталанмаган карабин учун	10
2.	Қутқарувчи анжомини тушириб юборса	20
3.	Ҳар бир нотўғри бойланган (ёки бойланмаган) боғлам учун	15
4.	Иштирокчининг хавфсизлик арқонида осилиб қолиши (срыв)	20
<b>“Эстафета” шарти бўйича:</b>		
1.	Уйчадан ўтаётганда тушиб кетиб қайтадан ўтмасдан шартни давом эттиrsa	15
2.	Ҳар бир этап иштирокчиси ўзини югуриш йўллагидан чиқса	10
3.	Тўсиқдан ўта олмаса ёки айланиб ўтса	10
4.	Тўсиқни йиқитиб юборса	10
5.	Бумдан ўтаётганда тушиб кетиб қайтадан ўтмасдан шартни давом эттиrsa	15
6.	Ёнғин ўчириш енглари бир-бирига қотирлмаса	10
7.	Ёнғин ўчириш енглари уч ёқлама айиргичга уланмаган бўлса	10
8.	Ёнғин ўчириш енгига сув бериш дастаги уланмаса	10
9.	Эстафета дастаги тушириб қолдирилса (финишга етказилмаса)	10
10.	4-этапда махсус идишда ёндирилан ёнилғи тўлиқ ўчирилмаса	20

Изоҳ: Мусобақа бои ҳаками ҳакамлар комиссиясининг ишини ташкил қиласида ва жамоаларнинг мусобақадаги иштирокини бошқаради. Ҳакамлар иштирокчиларнинг ҳаракатларини жарималар жадвалига мувофиқ баҳолайдилар. Агар жамоа раҳбари (вакиллари) томонидан изоҳлар, маслаҳатлар ва шарҳлар берилса, шунингдек, вазиятни ҳал қилишидан бои тортган ҳолларда ҳакамлар мусобақани тўхтатилиши мумкин. Бу ҳолда шарт тугалланмаган деб ҳисобланади ва жамоа 180 сония жарима билан жазоланади;

Шунингдек, шартлар бажарилаётган вақтда ҳакамлар ишига жамоа раҳбари ёки бошқа аъзолари томонидан тўскенилик қилинса, номақбул сўзлар айтилса мазкур шахснинг жамоаси (ҳар бир ҳолат бўйича) 60 сония жарима билан жазоланади ёки Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига асосан мусобақадан четлатилади;

Жамоа раҳбари ҳакамлик устидан фақат жамоанинг шартларни бажаргандан сўнг аппелация берши ҳуқуқига эга (аппелация мусобақанинг бои ҳакамига жамоанинг чиқишилари тугаганидан кейин 30 дақиқа ичida берилади). Мусобақада иштирок этувчи бошқа жамоаларнинг ҳакамлик қилиши бўйича мурожсаатлари кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди. Ҳакамлар комиссияси барча мурожсаатларни кўриб чиқади, қабул қилингандан қарорлар жамоа раҳбарларига етказилади.

18. Жамоаларнинг барча шартлар давомида тезкорлиги, эпчиллиги, шунингдек, мамлакатимиизда аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда (табий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёrlаш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар ва улар моҳиятини оддий тарзда очиб беришлари, белгиланган вактга қатъий риоя қилишлари, кийими, ижодий, бадиий ҳамда воқеа ҳодисаларни халқчил асосда тайёrlаши – баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади.

#### **4. Жамоаларни номинациялар бўйича баҳолаш мезонлари.**

##### **19. Жамоанинг номи ва шиори кўриги.**

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоа аъзоларининг сафда турган ҳолда ўз жамоалари номини айтиб таништирадилар ва жамоа шиорини айтадилар. Бунда нафақат жамоанинг шиорининг мазмун-моҳиятига, уни ижро этиш маҳоратига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жамоанинг шиори инсонларни ҳаётини асраб қолиш ва қутқарувчиларни хизмат фаолияти билан боғлиқ сўзлардан фойдаланган бўлиши керак. Жамоанинг номи ва шиори ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда аниқланади ҳамда ғолиб бўлган жамоа “Жамоанинг энг яхши номи ва шиори” фахрий ёрлиги билан тақдирланади.

##### **20. Энг яхши жамоа байроғи.**

Бу номинация бўйича ғолибни аниқлашда жамоа байроғининг ранги, унинг матоси ҳамда тайёрланишига, байроқда ватанпарварлик, миллий ғурур, қутқарувчи касбига меҳр-ифтиҳор ва одамларга ёрдам беришдек олий туйғуларини ўзида акс эттирган бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда ғолиб бўлган жамоа “Энг яхши жамоа байроғи” фахрий ёрлиги билан тақдирланади.

##### **21. Жамоаларнинг маҳсус устки кийими кўриги.**

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоанинг устки кийими (шу жумладан, бош кийими) маҳсус тикирилган, барча жамоа аъзолари учун бир турда бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар таркибий тузилмалари ҳарбий кийимлари ва бошқа ташкилотларнинг маҳсус кийимларида шу жумладан, бош ва оёқ кийимларида иштирок этиш таъқиқланади (ФВВ қутқарувчилар кийим боши бундан мустасно). Устки кийимдаги 10x6 см ҳажмдаги кўкрак нишони (эмблемаси) кўкракнинг чап томонига тақилади. Кўкрак нишонида мусобақа қатнашчисининг исм-шарифи тўлиқ ёзилиши, 4x6 см ҳажмдаги фотосурати ёпиштирилган ва таълим муассасасининг мухри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жамоаларнинг кийимларида қутқарувчилик касбига меҳр, ифтиҳор ва ҳарбий ватанпарварлик шукуҳи акс этиб туриши ҳамда бош кийими бир турда бўлиши, шунингдек, маҳсус устки кийимнинг қўринишига, қолаверса кийимда қутқарувчиларнинг кийимидек ажralиб турувчи маҳсус ёзувлар, қутқарувчи эканлигини билдирувчи белгилар билан безатилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда ғолиб жамоа “Жамоанинг энг яхши маҳсус устки кийими” фахрий ёрлиги билан тақдирланади.

##### **22. Энг яхши ташкил этилган кўргазма.**

Кўргазмада “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубининг меъёрий ҳужжатлари, клуб аъзолари томонидан эришилган ютукларни ўзида акс эттирган (“Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клуби фаолияти бўйича диплом, фахрий ёрлиқ, кубок ва шу кабилар) кўргазмали воситалар қўйилади.

Ушбу шартда жамоанинг аъзоларидан бири иштирок этади ҳамда кўргазмадаги воситалар бўйича тушунчалар беради. Бу шартда кўргазмадаги воситалари таълим муассасалари ўқувчиларининг эришган ютуқларига, дид билан жойлаштирилишига ва кўргазма билан таништирувчининг нутқ маданиятига алоҳида эътибор қаратилади. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда ғолиб жамоа “Энг яхши ташкил этилган кўргазма” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **23. Энг яхши қутқарувчи (қиз болага).**

Бу номинация ғолиби “Юқори қаватларда ишлаш” шартида иштирок этган қиз болалар орасидан аниқланиб, мазкур машқларни бажаришдаги тўғри ва аниқ ҳаракатлари, моҳирлиги ҳамда ўз ҳаракатлари билан бошқаларга ўрнак бўлган ва машқларни бажаришда бошқаларга нисбатан энг яхши натижаларга эришган қизбона “Энг яхши қутқарувчи” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **24. Энг яхши қутқарувчи (ўғил болага).**

Бу номинация ғолиби “Юқори қаватларда ишлаш” шартида иштирок этган ўғил болалар орасидан аниқланиб, мазкур шартдаги машқларни бажаришдаги тўғри ва аниқ ҳаракатлари, моҳирлиги ҳамда ўз ҳаракатлари билан бошқаларга ўрнак бўлган ва машқларни бажаришда бошқаларга нисбатан энг яхши натижаларга эришган ўғилбона “Энг яхши қутқарувчи” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **25. Энг яхши жамоа фотоальбоми.**

Жамоалар ўzlари билан мусобақанинг туман ва ҳудудий босқичларидаги иштирокини ҳамда “Ёш қутқарувчи” клубнинг фаолиятини ўзида акс эттирувчи фото альбомини (A 4 форматда, ҳар бир бетига 2 донадан расм жойлаштирилган бўлиши) олиб келиши лозим. Фотоальбом “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари аъзолари томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган бўлиши шарт. Ушбу шартда жамоанинг сардори иштирок этади ҳамда альбомда жойлаштирилган лавҳалар ҳақида сўзлаб беради. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда ғолиб жамоа “Энг яхши клуб фаолияти ёритилган фотоальбом” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **26. Энг яхши жамоа вимпели.**

Ушбу кўрикда ҳар бир жамоа ўзининг 40x30 см ҳажмдаги вимпелини олиб келиши лозим. Вимпелларни “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари аъзолари томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган бўлиши шарт. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда ғолиб жамоа “Энг яхши вимпел” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **27. Юқори қаватларда ишлаш бўйича энг яхши жамоа.**

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоанинг ҳар бир иштирокчиси тугун боғлаш, ишғол қилиш нарвони ва жумарлар ёрдамида минорага кўтарилиш ҳамда тушиш бўйича амалий қўнималарини бажаради. Бунда машқни аниқ, тез, хатосиз ва қисқа вақт ичида бажарган жамоа ғолиб деб топилади ҳамда “Юқори қаватларда ишлаш бўйича энг яхши жамоа” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **28. Энг ҳамжиҳат жамоа.**

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоанинг ҳар бир иштирокчиси дарёдан арқонлар ёрдамида ўтиш ва чодир ёйиш машқини бажариш давомида жамоа аъзолари машқни бажаришдаги бирдамлилигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, чодирни ёйишда бир-бирига ўзаро ёрдам бериши ва қўйилган вазифани бажаришда ҳамжиҳатлигига эътибор берилади. Бунда гурух иштирокчилари томонидан машқни аниқ, тез, хатосиз ва қисқа вақт ичида бажарган жамоа ғолиб деб топилади ҳамда “Энг ҳамжиҳат жамоа” фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

### **29. Энг билимдон жамоа.**

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоага фавқулодда вазиятлар борасида умумий саволлар берилади ва саволларга тўлиқ, аниқ, ишонч билан тўлдиришларсиз белгиланган вақт ичидагамда тайёргарлик қўриш учун белгиланган вақтдан фойдаланмасдан тўғри жавоб берган жамоа ғолиб деб топилади ва “Энг билимдон жамоа” фахрий ёрлиги билан тақдирланади.

### **30. Энг яхши тиббий ёрдам кўрсатган жамоа.**

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоага шарт бўйича фавқулодда вазиятларда жабрланувчига оёқ, қўл ёпиқ (очик) синганда, жароҳат оқибатида қон кетганда ва юрак-ўпка реанимациясида биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича машқларни бажарадилар. Жамоа берилган топширикни тўғри кетма-кетликда, тўлиқ, аниқ, машқларни бажаришда биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларини хатосиз ва қисқа вақт давомида бажарган жамоа ғолиб деб топилади ҳамда “Энг яхши биринчи тиббий ёрдам кўрсатган жамоа” фахрий ёрлиги билан тақдирланади.

31. Мусобақадаги саволлар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги ҳамда “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” ва “Фуқаро муҳофазаси” (ёки вазирлик томонидан ушбу йўналишда жорий этилган фанлар) фанлари ҳамда клуб дастури асосида ўтилган мавзулар бўйича тузилади. Саволлар ташкилий қўмита томонидан тузилади ҳамда мусобақа кунидан бир кун аввал маҳсус конвертга солиниб, аъзолари иштирокида муҳрланади.

32. Мусобақа шартларини баҳолаш ҳамда ғолиблар ва бошқа иштирокчиларни тақдирлаш ташкилий қўмита томонидан тузиладиган ҳакамлар ҳайъати томонидан амалга оширилади.

Ҳакамлар ҳайъати таркибига мазкур Низом таъсисчиларининг масъул ходимлари, шунингдек, фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар (ўқитувчилар, амалиётчилар) киритилиши мумкин.

33. Барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб ҳисобланганда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган жамоа мусобақанинг мутлоқ ғолиби деб топилади. Юқори баллар тенг бўлган ҳолатда, ғолиб жамоани аниқлаш ҳакамлар ҳайъати раиси томонидан ҳал этилади.

## **5. Ташкилий ва амалий тадбирлар**

### **34. Фавқулодда вазиялар вазирлиги томанидан:**

- клубларга машғулотлар олиб бориш учун керакли шароитларни яратишда яқиндан ёрдам бериш;
- мусобақанинг барча босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- мусобақанинг ҳудудий ва республика босқичларини керакли анжомлар билан таъминлаш;
- мусобақанинг барча босқичларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун малакали ходимлар ажратиш;
- ҳар йили туман ва шаҳарлар кесимида умумтаълим ҳамда касб-ҳунар таълим мусассаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллilar клубларининг ташкил этилишида услубий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга ошириш;
- халқаро мусобақаларга Республика босқичида ғолиб чиқсан жамоалартаркибидан сараланган жамоани ёки ғолиб чиқсан жамоанинг тўлиқ таркибини юбориш;

халқаро мусобақаларга юбориладиган иштирокчиларни тайёргарлигини ташкил этиш.

халқаро мусобақаларга вакил ажратиш ишларини такшил этади.

35. Олий таълим, фан ва инноватциялар вазирлиги ва Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси Ижроия қўмитаси томонидан:

- ўқувчиларни клубларга ҳамда мусобақаларга оммавий равища жалб этиш;
- клуб аъзолари учун таълим муассасаларида алоҳида хона ажратиш;
- клубларнинг машғулотлар олиб бориши учун керакли шароитларни яратиш;
- худудий босқичида ғолиб чиққан жамоаларни Республика босқичида иштирокини таъминлаш;

- иштирокчиларни спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш, мусобақаларнинг якуний финал босқичига келадиган иштирокчиларнинг сафар ҳаражатлари (йўл, ётоқ ва озиқ-овқат)ни қоплаш;

- халқаро мусобақаларга юбориладиган ўқувчиларни маҳсус кийим-бош билан таъминлаш;

- ҳар йили туман ва шаҳар кесимида касб-хунар таълим муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубларини ташкил этишга қўмаклашиш ишлари олиб борилади.

34. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан:

- ўқувчиларни клубларга ҳамда мусобақаларга оммавий равища жалб этиш;
- клуб аъзолари учун таълим муассасаларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида хона ажратиш;
- клубларнинг машғулотлар олиб бориши учун керакли шароитларни яратиш;
- иштирокчиларни спорт кийимлари билан таъминлаш;
- худудий босқичида ғолиб чиққан жамоаларни Республика босқичида иштирокини таъминлаш;
- мусобақаларнинг якуний финал босқичига келадиган иштирокчиларнинг сафар ҳаражатлари (йўл, ётоқ ва озиқ-овқат)ни қоплаш;
- халқаро мусобақаларга юбориладиган ўқувчиларни маҳсус кийим-бош билан таъминлаш;
- ҳар йили туман ва шаҳар кесимида умумтаълим муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубларини ташкил этишга қўмаклашиш ишлари олиб борилади.

35. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан:

- мусобақаларнинг ҳудудий ва республика босқичларини ўтказиш учун спорт майдонларининг ажратилишида яқиндан ёрдам бериш;
- халқаро мусобақаларга юбориладиган ўқувчиларни бир хил турдаги Ўзбекистон Республикаси рамзи туширилган спорт кийимлари (спорт сумкаси, красовка, спорт кийими) билан таъминлаш;
- “Ёш қутқарувчи” мусобақаларини йиллик спорт календарига киритиш ишлари ташкиллаштирилади.

36. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан:

- жойларда фаолият олиб бораётган клуб аъзолари иштирокида тиббий тайёргарлик бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш;
- мусобақанинг барча босқичларига малакали мутахассисларни жалб этиш;
- мусобақалар давомида тиббиёт ходимлари, тез тиббий ёрдам машиналари ва дори-дармонлар билан таъминлаш ишларини амалга ошириш ишлари ташкил этилади.

37. Маданият вазирлиги томонидан:

- ҳамкор вазирлик ва идоралар билан клуб аъзолари учун маданий дам олиш тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишида фаол иштирок этиш;

- ғолибларни тантанали тақдирлаш маросимларини ташкил этиш учун малакали режиссёр ва эстрада хонандаларининг иштирокини ўрнатилган тартибда ташкил этиш ишлари олиб борилади.

**38. Ёшлар шлари агентлиги томонидан:**

- мусобақанинг барча босқичларини ташкил этиш ва ўтказишида ташкилий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришида кўмак бериш;

- мусобақанинг барча босқичларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун малакали ходимлар ажратиш;

- туман ва шаҳарлар кесимида умумтаълим ҳамда касб-хунар таълим муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубларига ёшларни жалб қилишда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилади.

**39. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан:**

- мусобақанинг барча босқичларини ташкил этиш ва ўтказишида ташкилий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришида кўмак бериш;

- туман ва шаҳарлар кесимида умумтаълим ҳамда касб-хунар таълим муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубларига ёшларни жалб қилишда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил этилади.

## **6. Фолибларни тақдирлаш**

40. Мусобақанинг туман (шаҳар), ҳудудий ва республика босқичларида ғолибликни кўлга киритган иштирокчилар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлар агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ва қуий тизимлари томонидан I, II ва III даражали дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланади. Шунингдек, ғолибларни тақдирлашда бошқа ташкилотлар ҳам ҳомийлик қилишлари мумкин.

## **7. Якуний қоидалар**

41. Мусобақани ўтказиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар таъсисчи вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

42. Мазкур мусобақанинг ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказилиши билан боғлиқ барча хужжатлар Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида, якуний босқичларини ташкил этиш ва ўтказилиши билан боғлиқ барча хужжатлар Фавқулодда вазиятлар вазирлигига уч йил сақланади.